

**“Асака” банк
644 - сон билан
рўйхатга олинган**

**“Асака” банк
Акциядорлар умумий йиғилишининг
2016 йил 10 июндаги
01- сонли Баённомаси билан**

“ТАСДИҚЛАНГАН”

«АСАКА» БАНК КЕНГАШИ ТЎҒРИСИДА Н И З О М

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

- 1.1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги ПҚ-2344-сонли “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига, 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига ва 1998 йил 2 октябрдаги ПФ-2084-сонли “Акциядорлик тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонларига, 2005 йил 15 апрелдаги ПҚ-56-сонли “Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли “2011-2015 йилларда Республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 мартдаги 104-сонли “Банк тизимини ислоҳ қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2000 йил 5 июлда 943-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида”ги Низомга, Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига ва “Асака” банк Уставига мувофиқ ишлаб чиқилди.
- 1.2. Ушбу Низом “Асака” банк Кенгаши (кейинчалик матн бўйича “Банк Кенгаши”/“Кенгаш”)нинг мақоми ва иш регламентини, Банк Кенгашининг ваколатларини, Банк Кенгаши аъзоларини сайлаш тартибини, шунингдек, Банк Кенгаши аъзоларининг ҳуқуқлари, вазифалари ва жавобгарлигини белгилаб беради.
- 1.3. Банк Кенгаши “Асака” банк (кейинчалик матн бўйича “Банк”) фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, қонунчиликда ва Банк Уставида фақат Банк Акциядорларининг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бундан мустаснодир.

2. БАНК КЕНГАШИНING ВАКОЛАТЛАРИ

- 2.1. Банк Кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:
 - а) Банк Бошқарувининг Банкни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида ҳисobotини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда Банк фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
 - б) Банк акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташқари Умумий йиғилишларини чақиритиш, амалдаги қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

- в) Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;
- г) Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;
- д) Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Банк акциядорлари реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- е) Банк Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Банкнинг янги тахрирдаги Уставини тасдиқлаш, шунингдек дивидендлар тўлаш, уларнинг миқдори, тўлов шакли ва тартибини белгилаш тўғрисидаги масалаларни ҳал этишни Акциядорларнинг умумий йиғилишига киритиш;
- ж) мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
- з) Банк Устав капиталини кўпайтириш, шунингдек Банк Уставига Банкнинг устав капиталини кўпайтириш ҳамда Банкнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;
- и) акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш, шунингдек аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- к) аудиторлик текшируви ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- л) қонунчиликда белгиланган тартибда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;
- м) Банкнинг йиллик бизнес-режасини маъқуллаш;
- н) Банк томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида ва корпоратив облигацияларни қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;
- о) қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- п) Банк Бошқаруви аъзоларини (Бошқарув Раиси ва Бошқарув Раисининг биринчи ўринбосаридан ташқари) лавозимга тайинлаш уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- р) Банк Бошқаруви тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорини белгилаш;
- с) корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;
- т) Банкнинг ички аудит хизматини ташкил этиш, унинг ходимларини тайинлаш ва ички аудит хизмати тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш, шунингдек ҳар чорақда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;
- у) Банк Тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсация миқдори юзасидан тавсиялар бериш;
- ф) Банк Бошқаруви фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатдан эркин фойдаланиш ва Банк Бошқарувидан Банк Кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун уларни олиш. Олинган ҳужжатлардан Банк Кенгаши ва унинг аъзолари фақат хизмат мақсадларида фойдаланишлари мумкин;
- х) дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
- ц) қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда йирик битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш (йирик битим тузиш масаласи бўйича Банк Кенгашининг яқдиллигига эришилмаган тақдирда, йирик битим тузиш тўғрисидаги масала Банк Кенгашининг қарорига кўра Акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқилиши мумкин);

- ч) қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда Банкнинг аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;
 - ш) Банкнинг захира фонди ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
 - щ) Банкнинг филиалларини ташкил этиш ҳамда ваколатхоналарини очиш ва тугатиш;
 - ы) Банкнинг шўба ва тобе корхоналарини ташкил этиш;
 - э) Банкнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;
 - ю) Банк Устави, ушбу Низом ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ Банк Кенгаши ваколатларига киритилган бошқа масалаларни ҳам ҳал этиш.
- 2.2. Банк Кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Банк Бошқарувиға ўтказилиши мумкин эмас.

3. БАНК КЕНГАШИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 3.1. Банк Кенгаши қуйидаги масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда мутлақ ҳуқуққа эгадир:
- Банк фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш, шу жумладан унинг кредит сиёсатини ишлаб чиқиш;
 - йиллик ҳисоботни, фойда ва зарарлар ҳисоб рақамларини кўриб чиқиш ва уларни Акциядорлар умумий йиғилишига тасдиқлаш учун киритиш;
 - Банк уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни кўриб чиқиш ҳамда уларни Акциядорлар умумий йиғилишига тасдиқлаш учун киритиш;
 - молия йили учун даромад ва харажатлар режасини тасдиқлаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;
 - облигациялар чиқариш ва Банкнинг бошқа қарз мажбуриятлари тўғрисида, уларни қонунчиликда назарда тутилган тартибда сотиб олиш тартиби тўғрисида қарорлар қабул қилиш;
 - янги бўлимлар, филиаллар, чет элларда ваколатхоналар ташкил этиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;
 - тижорат асосида шўба ва алоқадор корхоналар ташкил этишни назарда тутувчи инвестициялар тўғрисида қарорлар қабул қилиш;
 - Бошқарув аъзоларига бериладиган мукофотлар ва компенсациялар миқдорларини белгилаш;
 - Банк Бошқаруви фаолияти тартибини белгиловчи ҳужжатларни тасдиқлаш.
- 3.2. Банк Бошқаруви Банк Кенгаши билан келишган ҳолда қуйидагилар тўғрисида қарорлар қабул қилади:
- Банк акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташқари умумий мажлисларини чиқариш;
 - Банкнинг захира ва бошқа жамғармаларини ишлатиш бўйича қарорлар қабул қилиш;
 - ўз ваколоти доирасида мол-мулк сотиб олиш ва тасарруфдан чиқариш билан боғлиқ йирик битимлар тузиш ва уларнинг муддатини узайтириш (қарор қабул қилинаётган санада умумий қиймати Банк жами капиталининг 15 фоизи ва ундан кўпроғини ташкил қиладиган битимлар ёки бир нечта ўзаро боғлиқ битимлар), шу жумладан корхоналарга кредитлар ажратиш (қарор қабул қилинаётган санада амалдаги Банкнинг Кредит сиёсати талабларига асосан);
 - Банк Уставида Кенгашга берилган ваколатларга оид бошқа масалаларни ҳал қилиш.
- 3.3. Қуйидагилар Банк Кенгаши мажбуриятлари ҳисобланади:

- Банк акциядорлари манфаатларида ўз ваколатларини амалга ошириш;
 - хатарларни, шу жумладан, хатарга чидамлик мақсадли кўрсаткичларини бошқариш;
 - Банк фаолияти, маблағларнинг тўғри сарфланиши ва кредитланиши устидан жорий назоратни амалга ошириш (омонатчилар, кредиторлар ва акциядорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида);
 - Банкнинг мақбул даражада капиталлашувини сақлаб туриш;
 - Банк фаолияти стратегиясини шакллантириш;
 - Банкни ривожлантиришга оид қабул қилинган бизнес-режалар ижросини назорат қилиш;
 - Банк даромадлигини мониторинг қилиш;
 - Банк фаолияти натижалари тўғрисидаги ҳисоботни ҳар чорақда тинглаш.
- 3.4. Ўз мажбуриятларини бажариш учун Банк Кенгаши қуйидагиларга мажбур:
- керакли малака даражасига эга бўлиш ва уни сақлаш, шунингдек жамоа ва индивидуал нуқтаи назардан хабардорликни намоён қилиш;
 - ўз фаолиятини амалга ошираётганда корпоратив бошқарув тамойилларига риоя этиш;
 - фаолияти устидан самарали назорат олиб бориши шарт бўлган таваккалчиликни бошқариш ва ички назоратнинг асосли, ишончли ва мустақил тизимига таяниш;
 - адекват назоратни ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Банк сиёсатларига мувофиқликни таъминлаш учун банк операциялари устидан назоратни амалга ошириш.
- 3.5. Самарадорликни ошириш ва масалаларни пухта ишлаб чиқиш учун Банк Кенгаши Таваккалчиликни назорат қилиш қўмитаси, Мукофотлаш қўмитаси, Этика қўмитаси ва ҳ.к. каби ихтисослаштирилган қўмиталарни таъсис этиши мумкин. Ҳар бир қўмита унинг вазифалари ва иш тартибини аниқлаб берадиган устав асосида тузилиши лозим. Фаолиятнинг очиқ-ойдинлиги ва ҳисобдорликни ошириш учун Банк Кенгаши қўмиталар сони, уларнинг вазифалари ва таркибига (жумладан, мустақил аъзоларига) оид маълумотларни ошкор этиши лозим.

4. БАНК КЕНГАШИНИ САЙЛАШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

- 4.1. Банк Кенгашининг аъзолари Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан амалдаги қонунчиликда ва Банк Уставида белгиланган тартибда бир йиллик муддатга сайланадилар. Банк Кенгаши таркибига Банкнинг миноритар акциядорларининг манфаатларини ҳимоя қиладиган аъзолар киритилиши лозим.
- 4.2. Давлат улуши бўйича Банк Кенгаши таркибига сайланадиган шахслар корпоратив бошқарувчининг малакали аттестатига эга бўлиши лозим.
- 4.3. Банк Кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.
- 4.4. Банк Бошқарув аъзолари ҳамда Бошқарув Раиси Банк Кенгашига сайланишлари, тайинланишлари мумкин эмас.
- 4.5. Банкда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар мазкур Банк Кенгаши аъзолари бўлиши мумкин эмас.
- 4.6. Банк Кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар Акциядорлар умумий йиғилиши тасдиқлаган қарор билан белгилаб қўйилиши мумкин.
- 4.7. Банк Кенгаши аъзоларининг сони 9 (тўққиз) кишидан иборат.
- 4.8. Банк Кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

- 4.9. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Банк Кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Банк Кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади.
- 4.10. Банк Кенгаши Раиси Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг тақдимномасига кўра Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланади.
- 4.11. Банк Кенгаши Раисининг ўринбосари Банк Кенгаши Раиси томонидан Банк Кенгаши аъзоларидан тайинланади.
- 4.12. Давлат вакили лавозимига кўра Банк Кенгашининг аъзоси бўлиб, Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан сайланмайди (қайта сайланмайди).
- 4.13. Банк Кенгаши Раиси:
- Банк Кенгаши ишини ташкиллаштиради;
 - Банк Кенгаши йиғилишларини чақиради ва Банк Кенгаши мажлисларида раислик қилади;
 - мажлисларда баённома юритилишини таъминлайди;
 - Акциядорлар умумий йиғилишларида раислик қилади, Банк номидан Бошқарув Раиси билан меҳнат шартномаси тузади;
 - Банк Уставида ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳаракатларни амалга оширади.
- 4.14. Банк Кенгашининг Раиси жойида бўлмаган тақдирда унинг вазифаларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тайинладиган Банк Кенгаши аъзоларидан бири амалга оширади.
- 4.15. Банк Кенгашининг мажлиси Кенгаш Раисининг ўз ташаббусига кўра ёки:
- Банк Устав капиталидаги давлат улушини бошқариш ваколати берилган орган сифатидаги Молия вазирлиги;
 - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки;
 - Банк Кенгашининг аъзоси;
 - Тафтиш комиссияси аъзоси;
 - Банк Бошқаруви аъзоси;
 - Банк ички аудит хизмати раҳбари;
 - Банк ташқи аудиторининг талабига кўра чақирилади.
- 4.16. Банк Кенгаши мажлисини ўтказиш учун кворум Банк Уставида белгилаб қўйилади, бироқ у Банк Кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак. Кенгаш аъзоларининг сони Банк Уставида назарда тутилган аъзолар сонининг етмиш беш фоизидан кам бўлиб қолган тақдирда, Банк Кенгашининг янги таркибини сайлаш учун Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақириши шарт. Банк Кенгашининг қолган аъзолари Акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек Банк Бошқаруви органи Раисининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.
- 4.17. Банк Кенгаши мажлисида қарорлар қатнашаётганларнинг кўпчилик, камида етмиш беш фоизининг овози билан қабул қилинади, қонунчиликда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно. Банк Кенгаши мажлисида масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда Банк Кенгашининг ҳар бир аъзоси бир овозга эга бўлади.
- 4.18. Банк Уставида белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасида қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан Банк Устав фондиди кўпайтириш ва Банк Уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги, шунингдек қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда йирик битимлар тузиш

тўғрисидаги (бунда Банк Кенгашидан чиқиб кетган аъзоларининг овози инобатга олинмайди) қарорлар Банк Кенгаши томонидан бир овоздан (яқдиллик билан) қабул қилинади.

- 4.19. Банк Кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Банк Кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.
- 4.20. Банк Кенгаши томонидан қарорлар қабул қилишда овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда Банк Кенгаши Раиси ҳал қилувчи овозга эга бўлади.
- 4.21. Банк Кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Банк Кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.
- 4.22. Банк Кенгашида масъул котиб лавозими мавжуд. Банк Кенгаши котиби Кенгаш мажлисларининг баённомалари юритилишини ташкил этади, уларнинг асл нусхаларини сақлаб қўяди. Акциядорлар умумий йиғилиши ва Банк Кенгаши томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини назорат қилади, шунингдек Банк Кенгаши ўз маромида фаолият кўрсатиши учун бошқа зарур вазифаларни бажаради. Банк Кенгаши мажлиси кун тартибида кўрилаётган масалаларга тааллуқли ҳужжатлар ушбу масаланинг ташаббускори бўлган тегишли Банк таркибий тузилмалари томонидан тақдим этилади.
- 4.23. Банк Кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кенгаш мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг 10 (ўн) кундан кечиктирмай тузилади ва тасдиқланади. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:
 - мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;
 - мажлисда ҳозир бўлган шахслар;
 - мажлиснинг кун тартиби;
 - овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари;
 - қабул қилинган қарорлар.
- 4.24. Банк Кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган Банк Кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.
- 4.25. Банк Кенгаши қарорлари билан Банк акциядорлари таништирилиши мумкин (тижорат сири бўлган қарорлардан ташқари). Банк акциядорлари Банкнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлари билан ҳам танишишлари мумкин.
- 4.26. Банк Кенгаши аъзолари, ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз бурчларини бажаришда Банк манфаатларини кўзлаб иш тутишлари лозим.

5. БАНК КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 5.1. Банк Кенгаши аъзоси қуйидаги ҳуқуқларга эга:
 - Банк Кенгаши мажлисида шахсан қатнашиш, иш тартибига мувофиқ ажратилган вақт доирасида мажлисда муҳокама қилинаётган масала бўйича сўзга чиқиш;
 - Банкнинг муайян давр мобайнидаги фаолияти натижалари, Банкни ривожлантириш режалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборот олиш;
 - юкланган функцияларни бажарган ҳолда Банк Кенгашида ишлаганлиги учун муайян миқдорда мукофот олиш;
 - Банк Кенгашининг ҳар бир аъзоси учун аниқ функциялар Кенгаш Раиси томонидан тасдиқланади. Кенгаш аъзосининг ҳар бири учун мукофотлар ва

компенсациялар миқдори Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади.

- 5.2. Кенгаш аъзоси (аффилланган шахс) Банк билан битим тузишда аффилланган эканлиги тўғрисида тузилиши кутилаётган битим ҳақидаги маълумотларни, шу жумладан, битимда иштирок этаётган шахслар, битим предмети тўғрисидаги маълумотларни, тегишли шартноманинг муҳим шартларини батафсил кўрсатган ҳолда ёзма билдириш юбориш орқали Банкни хабардор этиши шарт ва у қарор қабул қилинаётганда муҳокамада иштирок этишга ҳақли эмас ва овоз бериш ҳуқуқига эга эмас. Аффилланган шахс билан тузилаётган битимни маъқуллаш ҳақидаги қарор мажлисда иштирок этаётган Банк Кенгаши аъзолари томонидан бир овоздан ёхуд Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган акциядорларнинг малакали кўпчилик овози билан қабул қилинади.
- 5.3. Банк Кенгаши аъзолари Кенгаш томонидан у ёки бу тусдаги қарор қабул қилишга таъсир ўтказганликлари учун бевосита ёки билвосита мукофот олиш ҳуқуқига эга эмаслар.
- 5.4. Банк Кенгаши аъзолари Банкнинг имкониятлари (Банкнинг мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқлари, хўжалик фаолияти соҳасидаги имкониятлари, фаолияти ва режалари тўғрисидаги ахборотлар)дан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиш ҳуқуқига эга эмаслар.

6. БАНК АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

- 6.1. Банк акциядорларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш Банк Кенгаши томонидан:
 - Банк фаолиятини акциядорлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш;
 - Акциядорлар умумий йиғилишларининг тайёрланиши ва ўтказилишини назорат қилиш;
 - овоз бериш, овозларни ҳисоблаш ва қарорлар қабул қилиш тартиботлари;
 - Устав фондини кўпайтириш ёхуд камайтириш, қўшимча қимматли қоғозлар чиқариш ва бошқалар билан Устав капитали улушлари ўзгартирилганда акциядорлар ҳуқуқлари чекланишига йўл қўймаслик;
 - Банкнинг самарали дивиденд сиёсатини ишлаб чиқиш;
 - Банк акциядорларининг ўзаро муносабатлари билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш;
 - Бошқарувнинг ноқонуний ва асосланмаган хатти-ҳаракатлари устидан акциядорларнинг таклифлари ва шикоятларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш йўли билан амалга оширилади.

7. БАНК КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 7.1. Банк Кенгашининг аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Банк манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.
- 7.2. Банк Кенгаши аъзолари амалдаги қонун ҳужжатларига ва Банк Уставига мувофиқ Банк ва унинг акциядорлари олдидаги ўз мажбуриятларини зарур даражада бажармаганликлари учун жавобгардирлар.
- 7.3. Айни пайтда Банкга зарар келтирилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда қатнашмаган ёки бу қарорга қарши овоз берган Банк Кенгаши аъзолари жавобгар бўлмайди.

- 7.4. Ушбу Бўлим қоидаларига мувофиқ бир неча шахс жавобгар бўлса, уларнинг Банк олдидаги жавобгарлиги солидар ҳисобланади.
- 7.5. Банк ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) Банкга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан Банк Кенгаши аъзоси устидан судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

8. БОШҚА ШАРТЛАР

- 8.1. Ушбу Низом кучга кириши билан, [“Асака” банк Акциядорлар умумий йиғилишининг 2012 йил 12 июндаги 01-сонли Баённомаси билан тасдиқланган ва 499-сон билан рўйхатга олинган ““Асака” банк Кенгаши тўғрисида”ги Низом](#) ўз кучини йўқотади.

Кирилди:

Юридик бошқарма бошлиғи

М. Пулатова

Келишилди:

Бошқарув аъзолари:

Бошқарув Раисининг биринчи ўринбосари

Р. Касимов

Бошқарув Раисининг ўринбосари

О. Норинбаев

Бошқарув Раисининг ўринбосари

Д. Умаров

Бош бухгалтер

З. Галинова

Иқтисодий таҳлил, стратегик ривожланиш ва методологик ишларни мувофиқлаштириш департаменти бошлиғи

А. Бахромов